

Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 30 май шанба. № 41 (144134)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Халқаро ахборот агентликларининг хабарларига қараганда, 1998 йил 28 май куни Покистон Ислам Республикасида туркум ядро портлатишлари амалга оширилган. Бу воқеа Ўзбекистонда катта ташвиш ва хавотир билан кутиб олинди ҳамда Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига жиддий таҳдид, бутун жаҳон ҳамжамиятини масъулиятсизларча менсимаслик, деб баҳоланди.

Дунёнинг аҳоли энг зич жойлашган минтақаларидан бири - Марказий Осиё билан бевосита чегаралаш булган Покистондаги ядро портлатишлари бутун жаҳон ҳамжамияти Ҳиндистонда ўтказилган шундай ядро синовларини қоралаганидан сўнг амалга оширилгани алоҳида ташвиш туғдирмоқда.

Бир вақтлар Жанубий Осиёда ядрозиз зонани барпо этишга даъват қилган Покистон ҳозир ўзининг ташқи сиёсий мавқеини тубдан ўзгартиргани ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда. Воқеаларнинг бундай давом этиши минтақада ядровий қуролланиш пойга-сининг янги даврасига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Жанубий Осиёда ядро қуроли синовларини ўтказиш халқаро ҳамжамиятнинг барқарор ва хавфсиз дунёни қуриш йўлидаги куч-ғайратларига путур етказди, ядро қуролини ишлаб чиқариш ва тарқатишни изчиллик билан таъқиқлашгина XXI ас бўсағасида умумий хавфсизликнинг ишончли негизи бўлиши мумкин ва лозим, деган қатъий фикрга асосланади.

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ташаббускори ва ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги ҳамда ядро синовларини бутунлай таъқиқлаш ҳақидаги шартномаларнинг иштирокчиси булган Ўзбекистон дунёда оммавий қиргин қуроллари тарқалишига қарши чиқмоқда ва қандай ниятларга асосланган бўлмасин, ҳар қандай ядро синовларини қатъиян қоралайди.

Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиб, махсус мажлис чақиришни ҳамда Жанубий Осиёда юз берган вазиятга баҳо беришни илтимос қилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Покистон Ислам Республикаси ҳукуматини ўз мамлакатининг Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома ҳамда Ядро қуролини бутунлай таъқиқлаш тўғрисидаги шартномада белгиланган доирадаги ядро қуролини тарқатмаслик ва ядровий қурол-сизланишнинг умумий режимида тезроқ қўшилиши учун барча зарур чораларни қуришга даъват этади.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 29 май

Ўзбекистон болаларининг келажакни порлоқ



“Туркистон” шарҳи

ИРОҚ УРУШДАН ЙИРОҚЛАШЯПТИМИ?

Дейдиларки, дипломатлар сукут сақлаган жойда тўплар “тилга кириши” мумкин. Демак, тўплару қурол-аслаҳаларга навбат бермаслик учун тинчлик элчилари -- давлатлар раҳбарлари, сиёсатчилар, дипломатлар жим турмасликлари керак.

Шу маънода, жорий йил бошида Форс кўрфазиди юзага келган қалтис вазиятнинг сиёсий музокаралар ёрдамида бартараф этилганини ва айниқса, бу сафар Ироқ билан БМТ ўртасидаги навбатдаги зиддият хавфининг олди олинганини жаҳон дипломатиясининг ютуғи сифатида баҳолаш жоиз.

Айни пайтда Ироқ ҳам дипло-

матик мулоқотларга аста-секин суяна бошлагани кўзга ташланмоқда. Ироқ давлати бош вазири ўринбосари Тариқ Азизнинг яқинда Парижга қилган сафари фикримизнинг далилидир. Францияга ана шу ташрифи чоғида Тариқ Азиз ўз мамлакатига нисбатан қўлланилаётган халқаро санкцияларни бекор қилиш масаласини ўртага қўйди. Ушбу масала бўйича Ироқ давлати Франция томонининг қўллаб-қувватлашдан ҳам умидвор. Негаки, Форс кўрфазидидаги уруш даврида Ироқнинг ташаббуси билан тўхтатиб қўйилган Франция-Ироқ муносабатлари кейинги вақтларда маълум даражада яхшиланиб бо-

рейпти. Аммо, шунга қарамасдан, Париждаги расмий манбаларнинг хориж матбуотида берган маълумотида кўра, икки томонлама дипломатик муносабатларни расмий равишда қайта тиклаш учун Тариқ Азизнинг Францияга ташрифи етарли эмас.

Ҳар ҳолда, эзгу ниятларнинг ижобати осон кечмаслигини вақт кўрсатиб турибди. Демокчимизки, БМТ Ироққа нисбатан санкцияларни ушбу давлат муайян шартларни бажарганидан кейин бекор қилиши мумкин. Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қара-

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБОКИСТОНДА

Президент Ислам Каримов 27 май куни мамлакатимизга ташриф буюрган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия кенгаши котиби Борис Березовскийни қабул қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида Ҳўжалик қонунчилигини тарғибот қилишда оммавий ахборот органлари ва республика ҳўжалик судларининг ҳамкорлиги мавзусида матбуот анжумани бўлди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА

Хорижий ахборот агентликларининг хабарига кўра Қирғизистонда рўй берган экологик фожеа кўламлари тобора кенгайиб бормоқда. Бутун қианид натрийдан захарланганлар сони 68 кишига етди. Фожеадан жами бўлиб 470 га яқин одам зарар кўрган. Маълумки бир ҳафта олдин Иссиқкўл туманидаги дарёга қианид натрий ортилган юк ташувчи машина кулаб тушиши оқибатида ўта захарли моддадан нафақат дарё, ҳатто Иссиқкўл ҳам захарланган.

АСТАНА. Тараз шаҳрида кимё корхоналари ҳодимларининг руҳсат этилган намоиши бўлиб ўтди. Унда беш юздан зиёд киши иштирок этди.

“Таразфосфор”, Суперфосфат заводи сингари корхоналар ишчилари маошининг ўз вақтида берилмаётгани, меҳнат шароитининг оғирлиги, хавфсизлик техникасининг ночорлиги ҳақида гапирдилар. Улар “Тексуна” фирмаси раҳбарияти 12 минг кишилик меҳнат жамоасини тўлалигича ишдан бўшатмоқчи эканига норозилик билдирди.

ХОРИЖДА

Покистон аҳолиси кеча мамлакат ҳудудида ўтказилган 5 та ядро қуроли синовларини қўллаб-қувватлаётган бир пайтда дунё ҳамжамияти ўз норозилигини билдирмоқда. Айни пайтда Япония ва АҚШ ҳукумати Покистонга қарши санкциялар эълон қилганини билдирдилар.

Исламобод расмий вакили Ҳиндистон ҳукумати Покистоннинг ядро қурилмаларини ўққа тутиш ниятида эканлигини маълум қилди. Ҳиндистон вакили эса бундай гапларни уйдирма деб таърифлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ортилган юк машиналарининг икки колоннаси Марказий Афғонистон томон йўл олди. Халқаро инсонпарварлик ташкилотларнинг маълумотларига кўра, 9 ой давомида толиблар қамалида қолган ушбу ҳудуд аҳолиси очликдан қаттиқ азоб чекмоқда.

Индонезия президенти Ҳабибий ва парламент вакиллари мамлакатнинг сайловлар ўтказиш ҳақидаги қонунига ўзгартиришлар киритилиши га келишиб олдилар.

Жанубий Корея ишчиларининг иш ташлаш ҳаракати давом этмоқда. Ҳукумат уларни поқонуний деб эълон қилишига қарамай, ишчилар яна бир неча бор иш ташлашни режалаштирмоқдалар.

“Туркистон”, ЎЗА ва хориж материалларидан





ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК

Республика "Камолот" жамғармасида ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, жамиятда ижтимоий-ахлоқий вазиятни соғломлаштириш мавзуига бағишлаб фаоллар йигилиши ўтказилди. Унда барча туман, шаҳар бўлимлари вакиллари, қатор жамоа ташкилотлари ҳамда таълим тизими вакиллари ҳам иштирок этди.

Йигилишни "Камолот" жамғармаси бошқаруви раиси Хотам Абдураимов бошқарди.

Унда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари юзасидан олиб борилаётган ишлар ва истиқбол режалари хусусида бошқарув раиси Х.Абдураимов сўзга чиқди. Ёшларнинг маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш шу куннинг муҳим вазифаси эканлигини нотик алоҳида таъкидлади. Президент Ислам Каримов Олий Мажлис XI сессиясида сўзлаган нутқида бу муаммога алоҳида тўхталиб ўтган эди. Мамлакат аҳолисининг кўпчилиги қисмини ёшлар ташкил этишини эътиборга олсак, улар бизнинг ягона суянган тоғларимиз, келажакимиз соҳиблари эканлигини яққол ҳис этамиз. Демократик тамойилларга асосланган

ҳуқуқий давлат қуришдек улкан мақсадга йигит ва қизларимизнинг онгли меҳнати, ташаббускорлигисиз эришиб бўлмайди. Шундай экан мамлакатимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларда ёшларнинг фаоллиги, фидоийлигини ошириш лозим. Бунинг учун ҳар бир йигит ва қиз мустақиллик ғояларига асосланган аниқ ҳаётий мақсадларга эга бўлишлари, ватанпарварлик, умумбашарий ва миллий қадриятлар руҳида тарбияланишлари зарур. "Камолот" бу борада махсус дастур асосида муайян ишларни амалга оширмоқда. Шу ўринда жамғарма бир қанча оммавий тадбирлар ўтказди. "Шунқорлар" ҳарбий спорт ўйинлари, "Сиз қонунни биласизми?" каби кўрик-танловларда бир неча юз минглаб мактаб ўқувчилари, талабалар ва бошқа турли касб-кор вакиллари иштирок этишди. Баскетбол ва волейбол бўйича "Камолот кубоги" учун ўтказилаётган

мусобақаларда ҳам барча ижтимоий табақага мансуб ёшлар қатнашмоқда.

Яқиндагина Андижон шаҳрида ёшлар ташкилотлари, хотин-қизлар кўмитлиди.

тилди.

Йигилишда сўзга чиққан "Камолот"нинг Наманган вилояти бўлими раиси И.Шарофуддинов ўзи етакчилик қилаётган жамғарма фаолиятини танқидий баҳолаб, баъзи ёшларнинг диний ақидапарастлар таъсирида қолганлигини йигит ва қизлар ҳаётига жамғарма тўла кириб бормаганлиги, уларнинг муаммолари ўз вақтида ҳал этилмаганлигида деб ҳисоблади.

Муҳокамада қатнашган ёшлар кунни кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" ва "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунлар, айниқса, диний ақидапарастликнинг олдини олиш, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, миллий-маънавий ва умумбашарий туйғуларини кучайтириш, йигит ва қизларни фойдали меҳнатга жалб этишда муҳим дастур бўлишини таъкидлади.

Йигилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Жамғарманинг кейинги амалга оширадиган тадбирлар режаси тузилди.

Йигилишда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў.Раҳматов, Республика Бош вазирининг ўринбосарлари А.Азизхўжаев ва Д.Фуломова сўзга чиқди.



талари, маҳалла фаоллари, халқ таълими соҳаси, дин идоралари вакиллари иштирокида минтақавий семинар ўтказилди. Ундан кўзланган мақсад Фарғона водийси, қолаверса, республика ёшларининг онгида динга нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш, уларнинг дин ва ҳуруфот ўртасидаги тафовутларни англаб етиши ҳамда диний мутаассиблик ва заллатга бошловчи ақидаларга алданиб қолишининг олдини олиш эди. Шунингдек, семинарда сўнгги пайтда водий вилоятларида бўлиб ўтган турли кўнгилсиз воқеаларнинг илдиэлари таҳлил этилди. Жамғарманинг жойлардаги бўлимлари ҳали имконият даражасида ишламаётганлиги баъзи ёшларнинг ислом ақидапарастлари томон оғиб кетишларига сабаб бўлганлиги ай-

Ҳамро АКИЕВ, "Камолот" жамғармаси Бухоро тумани бўлимининг раиси:

— Ёшларимизнинг асосий қисми қишлоқ жойларда яшайди. Шу боис, уларнинг онгини ўстиришда матбуотдан кенг фойдаланмоқдамиз. Шу мақсадда "Илҳом" ижодкор ёшлар уюшмаси, мақтабларда "Ёш мухбирлар", "Ёш китобсеварлар" тўғрақлари ташкил қилганмиз. Туманимизда 37

ФАОЛЛАР БИЛДИРГАН МУАММОЛАР

мингдан зиёд ёшлар бор. Бугунги кунда 1600 йигит ва қиз ишсиз. Бу муаммо билан жиддий шуғулланмоқдамиз. Шу йилнинг ўзида 40 нафар ёшни иш билан таъминладик. Туман меҳнат биржаси билан ҳамкорликда уюштирилган ярмаркада 400 га яқин йигит-қиз ишга жойлашди.

Зиёдулла АБДУРАҲИМОВ, "Камолот" жамғармаси Олтинсой тумани бўлимининг раиси:

— Туман ёшларининг ҳаётига тобора кириб боришга ҳаракат қилияпмиз. Шу мақсадда бугун туманимизда 102 та жамоатчилик марказимиз иш олиб бормоқда. Бу яхши, аммо, бизнинг фаолиятимизга қатор муаммолар тўсиқ бўлмоқда. Шундан бири жамоатчилик марказларимизда раислик штарининг йўқлиги. Бу эса ўз-ўзидан ёшлар билан бевосита алоқамизни ўзиб қўймоқда. Бундан ташқари, моддий таъминот ҳам етарли эмас. Ҳомий ташкилотлар томонидан маблағ ажратилмапти. Тегишли ташкилотларга ўз-ўзимизни пул билан таъминлаш учун ер сўраб қилган мурожаатларимиз эътиборсиз қолдирилмоқда. Натижада, янги иш ўринларини ташкил этиш, спорт тўғрақларини очиш амри-маҳол. Ҳуқуқий билимдонлик ҳақида кўп эслаймиз, аммо бунинг учун ҳуқуқий қўлланма ва кадрлар етишмаётганини гапирмаймиз.

Фарҳод НАЗАРОВ, "Камолот" жамғармаси Навоий вилояти бўлимининг раиси:

— Бизни қийнаётган муаммолардан яна бири бино ижараси масаласи. Вилоят бўлиминиз ташкил этилганидан бери шаҳар ҳокимлиги биносида фаолият кўрсатаёпмиз. Эгаллаб турган 5 та хонамиз учун бугунга қадар 350 минг сўм ижара ҳақи тўлади. Яна 295 минг сўм тўлашимиз кераклиги ҳақида ҳокимликдан огоҳлантириш олдик. Бунинг устига ижара ҳақини вақтида тўламаганимиз учун жарима сифатида 570 минг сўм ундирилиши кераклиги маълум қилинди. Икки йиллик жами тўловимиз 1 миллион 215 минг сўмни ташкил этмоқда.

Шерзод САИДАЛИЕВ, "Туркистон" мухбири

(Давоми, Аввали 1-бетда)

ганда, бунинг учун БМТнинг қуролсизланиш бўйича махсус комиссияси томонидан мамлакатга таклиф қилинадиган қадам-бақадам ҳаракат режасини Ироқ раҳбарияти амалда қўллаши зарур. Ана ўшанда шу йилнинг октябрь ойига бориб, бу мамлакатга нисбатан қўлланилаётган иқтисодий жазо чораларини қисман ёки тўлиқ олиб ташлаш имконияти юзага келади. Июнь ойининг бошларида бўлиб ўтадиган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг брифингида эса мазкур халқаро ташкилот махсус комиссияси раҳбари Ричард Батлернинг Ироқда ўтказилган текширувлар натижаси бўйича ҳисобот бериши кўзда тутилган.

Ҳозирги вақтда Ироққа қарши коалиция томонидан БМТ қарорларига мувофиқ Форс кўрфази ҳудудига кири-

ИРОҚ УРУШДАН ЙИРОҚЛАШЯПМИ?

тилган ҳарбий кучларнинг миқдори камайтирила бошланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жумладан, "Ассошиэтед Пресс" агентлиги хабар беришича, кечаги яқшанбада АҚШга қаршли "Индепенденс" номли самолёт ташувчи улкан кема ва уни кўриқлайдиган бир неча ҳарбий кемалар кўрфазни тарк этган. Баҳрайндаги базадан ҳам ўнлаб ҳарбий самолётларнинг олиб кетилиши кутилмоқда.

Аммо, ҳарбий техника ва кўшинларни ялпи олиб чиқиш ҳаракати "Томагавк" русумли қанотли ракеталар тузилмасини четлаб ўтди. Бу ракеталарнинг минтақа ҳудудидаги миқдори ўтган йилнинг куз мавсумига нисбатан икки баравар кўпроқдир. Шунингдек,

"Стеннис" ҳарбий кемаси ва АҚШнинг 250 самолёти ҳам ҳозирча кўрфазда сақлаб туриладиган бўлди. Агар, ушбу минтақада вазият яна кескинлашса, АҚШ зудлик билан кўшимча ҳарбий кучларини киритиши мумкин. Демак, гап яна Ироқ раҳбариятининг ўз сўзида туришига, яъни тинчликпарвар сиёсат талабларини сабот билан бекаму-кўст бажаришга бориб тақалаяпти.

Умуман олганда, Қўшма Штатлар Мудофаа вазирлигининг қарорига мувофиқ, мазкур ҳудудда 20 минг кишилик ҳарбий кўшин сақлаб қолинади. БМТ билан Ироқ ўртасидаги келишмовчиликлар авж палласига чиққан дамларда Форс кўрфази бўйлаб АҚШнинг 44 минг кишилик кўшини жойлаштирилган эди.

Бундан ташқари, БМТ қарорларига биноан шу йилнинг февраль ойидан буён Форс кўрфазида сақлаб турилган Ироққа қарши коалиция қуролли кучлари таркибида Канаданинг 300 дан ортиқ ҳарбий хизматчиси мавжуд. Яқинда Канада ҳукумати ҳам кўрфаздаги ўзига қарашли ҳарбий кучлар миқдорини камайтиришини маълум қилди. Мудофаа вазир Артур Эглтоннинг айтишича, "Торонто" ҳарбий кемаси июнь ойида Галифаксдаги ўз бандаргоҳига қайтиб кетади. Унинг ўрнига июль ойида Канада Ҳарбий Денгиз флотига қарашли "Оттава" ҳарбий кемасини кўрфазга юбориш мўлжалланган. Бунинг сабаби, албатта, Ироқ раҳбарияти БМТ шартларини ҳозирча охирига қадар бажар-

маганлиги билан боғлиқ.

Шундай қилиб, модомики, Ироқ БМТ томонидан эълон қилинган ва Форс кўрфазидаги бошқа давлатларнинг тинчлиги ҳамда барқарорлиги учун хизмат қиладиган муайян шартларни бажарар экан, ушбу мамлакат мавжуд уруш хавфидан, аста-секинлик билан бўлса-да, йироқлашиб боради. Бу эса дунё халқларининг, шу жумладан Ироқ халқининг истиқболда осуда ва фаровон турмуш кечириши учун жуда зарур.

Айниқса, Ҳиндистон ва Покистон ўз худудларида ядро синовларини ўтказганлиги оқибатида башарият тинчлигига, глобал хавфсизликка жиддий раҳна солинган ҳозирги шароитда Форс кўрфазида, хусусан, Ироқда вазиятни барқарорлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг аҳамияти бекиёсдир.

Ғулум МИРЗО, халқаро шарҳловчи



УШШИЛОШ

"МУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 1998 йил 30 Май № 4

ТҲҲ ЯХШҲ. ЦУҚУМАҲ-ЦҲ?



БУ СОҲДА

Янгалик
осонми?

Қариндошга
қуда
бёрманг

«Узрашувга
тиқмаганман»

Зойиаткизни
биласизми?

"ЗАМБАРАКНИНГ ҲҲИ"

Тошкентнинг тўйларини жаҳон бўйича энг серчиқим тантаналар сирасига киритсак, янглишмаган бўлаемиз.

Масалан, куёв келинга 50 минг сўм қалин пули, 10 минг сўм чевар пули беради. Янги русумдаги пальто, кийим-кечаклардан тортиб, то уйга киядиган шиппак-кача сарпода бўлиши шарт. Қанчадан-қанча маблағларни ямлаб юборувчи никоҳ кечаси, видео тасвиричи, отарчиларга қистир-қистир деганларидек... Қиз то-

мон ҳам ўзининг моддий имкониятини "намойиш этиши" керак. Куёвга сарпо-суруғ, европача бичимдаги нархи 20 минг сўм турувчи келинлик либоси ўртада олинади. Тузуккина мебель, ундан ташқари "қиз чорлар" маросими, куёвнинг яқинларига бир сидрадан сарпо керак. Асаби қақшайди кишининг. Ишқилиб «замбаракнинг ҲҲи» керак-масмикан?!..

Назира ИНОҲОМОВА,
Тошкент шахри

Бўйдоқ йигитларга албатта шундай маслаҳат берардим. Чунки бир марта уйланаман деб, ўн йиллаб қарз ботқоғидан чиқолмаслигингиз турган гап.

Тўй олдидаги биринчи ғалва қалин бўлади. Камида 25-30 минг сўм. У н а ш т и р и б бўлганингиздан кейин келинга энг охири модадаги 30-40 либосликлар харид қилишингиз керак. Бу ҳам 200 минг сўмларни уриб қўяди. Келин келадиган уй, у учун ажратилган хоналарни қайнона тўл-

дириб қўйиши шарт. "Мebel-себели" билан (камида 60-70 минг сўм). Бир бало қилиб тўй кунига ҳам етиб

ХОРАЗМДАН ҚИЗ ОЛМАНГ

келдингиз. Шунда... 200 кг гуруч, 4 қоп ун, 20 яшиқ ароқ, 30-40 кг қанд, 50 кг гўшт, турли хил ичимликлар, отарчи артистлар, 2 та қўчқорни келинликкига стаклаб бори-

шингиз шарт. Энам айтганидек, кўрпа-тўшаги, майда-чуйдаси бунга кирмайди.

Бир бало қилиб куёвликка етдингиз, бу учун келиннинг етти уруғаймоғига бош-оёқ сарпо қилишингиз зарур. Ахир улар қизларини "текин"га беришапти.

Хоразмдаги оддий тўйлар ана шундай...

ЭРПҲЛАТ,
Хоразм вилояти,
Богот тумани

Ёр-ёр овозини эшитсам, юрагим бир қалқиб кетади. Уша куёв бўлиб сузилган йигитнинг ота-онасига ҳам ҳавас қиламан. Чунки кейинги 15-20 йил ичида тўйлар роса

эркак қуда қариндошларига 30 та тўн берилади. Келиннинг сепи учун кетадиган харажатлар ҳам анчагина. Битта тўйнинг ўзига 10 та қўйни берилиши нима деган гап. Бор-

СУРХОНДАРҲЧА ЁР-ЁР

серчиқим бўлиб кетди. Биз уйланган вақтлар қиз қалини деган гаплар йўқ эди. Тўй олди маросимлар ҳам жуда дабдала, нон синдириш яъни оқлик ўраш учун бир бош қўй,

ку берар, йўқ нима қилади. Замондан нолимайлик, ўзимиздан нолийлик.

Йўлдош ЖҲРАЕВ,
Қумқўрғон тумани

ФАРҲОНАЛИК КУЁВГА МАЗЗА!

Бунга ёзиш унчалик керак эмасдир. Лекин қийналганимдан ёзаман.

Яқинда катта опамни узатдик. Ота-онам оддий одамлар бўлгани учун анча қарзга ботдик. Энди қутулдик десак, бизнинг Фарғонани одатига кўра қиз томон тўйдан сўнг куёвликкига ўн кун уч маҳалдан, бир ой икки маҳалдан, то болалик бўлгунча бир маҳалдан тансиқ овқат жўнатади. Бекорга шунча чиқим зарурмикан.

НАРГИЗА,
Фарғона вилояти

Янги ўзбеклар

Бой-бадавлат, фаровон яшаш кўпларимизнинг ўз кўлимизда. Фақат буни барчамиз ҳам яхши англамаймиз. Кўпинча ота-онасидан пул сўраб, улар ҳисобига кун кечираётган соғ-саломат, ақли-ҳуши жойида йигитларни кўриб галати бўлиб кетасан киши... Тўғри ўз йўлини топиб олган ёшларимиз ҳам йўқ эмас.

Сўхбатдошимиз Улугбек Жабборов Тошкентнинг Акмал Икромов туманида истиқомат қилади. Оилали, қизчаси ўн бир яшар, ўғли эса тўрт ёшда. Турмуш ўртоғи Нигорахон иқтисодчи.

-- Улугбек, сизнингча оилада молиявий аҳволни кўнгиладагидек бўлиши учун ёлғиз эркак киши масъулми ёки бу эр-хотиннинг икковига баробар боғлиқми?

-- Турмушдаги фаровонлик кўпроқ эр-

найисизми?

-- Билмадим, бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман. Киши ким бўлишидан қатъий назар, ҳаётда яхши яшашга ҳаракат қилиши, бу йўлда куч-ғайратини аямаслиги керак. Мен ҳамини ўзим бажарган юмушдан қаноатланмай юраман. Ана шу норозилик ҳисси келгуси ишларимга яхшигина туртки бўлиб хизмат қилади. Ҳозир мана шу ҳовлимиздан ташқари Себзорда уч хонали квартирамиз, Қумушқонда дала ҳовлимиз бор. Ёз келяпти, машинада дала ҳовлига уй ичимиз билан қатнайимиз.

-- Демак, сиз бадавлат кишисиз...

-- Бойлик деганда мен кўпроқ моддий лаш-лушларни эмас, балки оддий инсонга хос бўлган эркинликни тушунаман. Ўз мол-мул-

МИРПАГАН ҚИР ОШАР

как кишига боғлиқ бўлса керак. Чунки аёл киши ўзи учун ишлайди. Тошкентдаги Санъат институтини битирганман. Худо берган истеъдодни ота-онам вақтида пайқашган экан, унинг шаклланиб, юзага чиқишида куч-ғайратларини аяшмади. Устахонамда турли хил санъат асарлари яратаман. Миллий миниатюра услубида картиналар чизаман.

-- Бирон жойда ҳам ишлайсизми?

-- Бир пайтлар кутубхонада ишлардим, анча йиллар илгари. Ҳозир ҳеч қаерда ишламайман. Рости ижод учун вақт етмаганидан ишдан бўшагандим.

-- Ниманинг ҳисобига яшайсизлар?

-- Кичик корхоналар, чет эл фирмалари, ташкилотлардан сурат учун буюртма оламан. Ундан ташқари чўнтаги кўтарадиган кишилар оилавий, қариндош-уруғларининг суратини чизиб беришимни илтимос қилишади.

-- Чўнтаги кўтарадиган кишилар... Картиналарингизнинг баҳоси қанчадан?

-- Дейлик, битта картина ўртача 30-40 минг сўм туради. Баъзан чет элликларга ҳам тасвирий асарларимни сотаман. Ундан тушган пул бир-икки ой яшаш учун бемалол етади.

-- Фақат картиналар чизиб билан чекланасизми?

-- Йўқ, албатта. Уй-айвонларни шарқона усулларда таъмирлайман.

-- Сиз ўзингизни "янги ўзбеклар"дан са-

канин кўз-кўзлаб, уларга сармаст бўлиш, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйишни ёмон кўраман.

-- Ҳаётда ўзингиз истаган деярли барча нарсага эришган экансиз. Энди бу ёнға ҳеч ниманинг ташвишини қилмай яшасангиз бўлади чоғи.

-- Ўта фаровон ҳаётда ҳам хотиржамликка берилиб, қўл қовуштириб яшаш ярамайди. Болаларнинг келажаги тўғрисида ҳозирдан ўйлаш керак. Қизимни француз тилига ихтисослашган мактабга берганман. У ҳам расм чизибни жуда яхши кўради. Қолаверса, қизчамнинг компьютер техникаси, иқтисодиёт борасидаги иқтидорини ҳам юзга чиқариш керак. Ўғлим Отабекни ҳам бирон чет тили ва банк тизими пухта ўргатилдиган мактабга бермоқчиман. Ўзим чет тилини билмаганимдан жуда афсусланаман, чунки хорижий сўзлашув ижодий ишимда ҳам жуда қўл келиши мумкин эди-да.

ХУЛОСА ЎРНИДА:

Жаҳоннинг энг тараққий этган АҚШ, Япония, Германия сингари давлатларида ишнинг кўзини билган миллионер кишилар жуда кўп бўлади. Эътиборли жиҳати шундаки, улар қанчалик мулкдор бўлмасинлар, жуда камтарона турмуш кечиринишади. Улугбек билан сўхбатлашиб, унинг қайсидир жиҳатларини хорижлик давлатманд кишиларга ўхшатиб юбордим.

НАРГИЗА

Бундан уч-тўрт йил бурун менинг бир дўстим холасининг қизига уйланган эди. Улар аҳил ва иноқ яшай бошладилар. Ўртада фарзанд ҳам дунёга келди. Лекин, минг афсуски, у жисмоний нуқсонлар билан туғилди. Чақалоқни дўхтирларга кўрсатишганда,

ҳам чиқиб, турмуши бузилиб кетадиган бўлса, аввалги илиқ муносабатларга ҳам дарз кетади.

Исломи динида ҳам яқин қариндош-уруғларнинг турмуш қуриши таъқиқланади. Аллоҳ таолло Куръони каримнинг "Нисо" сураси,

ҚАРИНДОШГА ҚИЗ БЕРМАНГ

улар бу ҳолни яқин қариндош билан турмуш қурилганлигининг оқибати эканлигини айтишди. Шундан сўнг бу оилада изтиробли кунлар бошланди. Яна шундай фарзанд кўриши эҳтимолли борлиги учун дўстим хотини билан ажрашишга қарор қилди.

Ҳа, баъзи вақтларда юқорида айтилгандек аянчли воқеаларнинг содир бўлаётганлигини эшитиб қоламиз. Бир-бири билан қанда-анда бўлаётган қариндош-уруғлар бу билан ўзларича ўртадаги алоқаларни янада мустақамламоқчи бўладилар. Аксарият ҳолларда эса бунинг тескариси бўлади.

Табобат аҳлининг айтишича, яқин қариндошлар ўзаро турмуш қурсалар, қонлари бир-бирига яқин бўлганлиги учун улардан кўпинча заиф ва ногирон болалар туғилар экан. Шунингдек бундай оилаларда бошқа келишмовчиликлар

23-оятда шундай дейди: "Сизлар учун оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, ходаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари эмишган оналарингиз, эмишган опа-сингилларингиз, қайноналарингиз, жинсий алоқада бўлган хотинларингизнинг тарбиянгизда бўлган қизларига ўйланиш ҳаром қилинди." Хулоса шуки, агар жамиятнинг кичик бўлаги бўлган оиланинг мустақам бўлиб, соғлом фарзандлар дунёга келишини истасак, биз яқин қариндош-уруғлар билан турмуш қуришдан сақланишимиз керак. Зеро, ёт кишилар билан қанда-анда бўлиш қариндош-уруғларнинг янада кўпайишига сабаб бўлади.

Жаҳонгир ТОЙБОЛАЕВ,
журналист



Изтироб

Яқинда 25 ёшимни қаршилайман. Маҳалладагилар

гапираверадилар. Шунга бўлса керак, улар бошқа қоралари-

дарак йўқ. Демак, севгиси чин эмас экан-да, деб ўйласам,

чиқолмайди-да, уларга қарши боролмайди-да" деб ўзимга таскин излайман. Айтингчи, бахт бойликдами? Бахт севиш-севилишдами? Бахт нимада ўзи?

Мен нима қилай? Маслаҳатингизга муҳтожман, опахонлар!

МУЯССАР

"УЧРАШУВГА ЧИҚМАГАНМАН"

Орқамдан "қари қиз, ўтириб қолган" деб гапиришганини эшитиб, юрагим шувиллаб кетади. Ишонсангиз, ҳали совчилар орқали бирор марта ҳам учрашувга чиқмаганман. Қизлар илк учрашув, ундаги ҳаяжонлар ҳақида гапириб беришса, энтикиб кетаман. Жуда қизиқ бўлса керак илк учрашув дея ҳаёлга толаман. Ўзимча йигит билан саломлашгандан сўнг, нималар ҳақида сўхбатлашиб, қандай мавзуларда сўзлашиб кераклиги ҳақида ўйлайман. Совчилар келмайдими эмас, келади, лекин уйимиздаги муҳитни кўриб қайта қадим ранжида қилишмайди. Сабаблари эса...

Совчилар келса, оймилар қолиб, бувимлар тўрга чиқиб олиб, ҳали боғдан, ҳали тоғдан келадиган воқеаларни айқаш-уйқаш қилиб тинмай

ни кўрсатмайдилар.

Кичкинагина ҳовлида яшаймиз. Уйларимиз бир пайтлар қурилган, пастқа-мгина. Ҳар йили "бу ерлар бузилади, ўрнига катта йўл тушади", деб хат ёзиб кетишади. Шунинг учун уйимиздагилар, "Иморат қуриб нима қилдик, барибир бузилади, дом беришаркан" деб ҳовлига қарашга ҳафсала қилишмайди.

Бир йигит билан танишиб қолдим. У онасини совчиликка юборди. Лекин иккинчи марта қайтиб келмади, бадар кетди. Кейин эшитсам, онаси йигитга: "Бувиси жағ-жағ қизини ҳеч қачон олиб бермайман, уй-жойи ҳам бир аҳволда экан, бир автобус хотинни қайси бетим билан чарларда шу хонадонга бошлаб келаман, устимдан қулишмайдимми?" деб жанжал қилибди. Шу-шу йигитдан

"ахир ота-она измидан

Умрида учрашув синовини бошидан кечирмаган синглимизнинг гам-андуҳлари, ички кечинмалари, изтироб-армонлари ҳеч қайсимизни беварқ қолдирмади.

Муяссарнинг қўлида гўлдек ҳунари бор. Тикади, бичади ҳар хил пишшиқлар тайёрлайди. Қолаверса, гўзал. Тиниқ оқ юзи, истараги, сочлари битта уриб ташлаб қўйилгани унинг латофатига яна ҳам кўрк бахш этади.

Минг таассуфлар бўлсинким, Муяссархон юқорида баён қилганидек, бугунги кунда айрим совчиликка юратган аёллар, қизнинг одоби, ҳули, тарбияси, маънавияти, ички гузаллигига эмас, балки, ота-онасининг маъқеи, мансаби, оиласининг камжонлиги (чунки кўпчилик бўлса тоғора ўнатиш кўнади-да), дангиллама ҳовли-жойларини, машинаси борлигига ишқибоз бўлиб қолган. Севмасдан, синамасдан, бойлик эвазига қурилган оилада эса кўнгил бутунлиги, хонадон ҳаловати деган тушунчаларга ўрин қолмайди. Бахт сўзи уларга тамоман беғона бўлиб қолади. Негаки, кўнгили қашшоқ, маънавияти саёз йигит-қизлар ўз турмушларида тушунмовчилик, англашмовчиликларга кўп дуч келишади.

Фарзандларимизга фақат тахт эмас, бахт ясаи йўллари ҳақида ҳам ўйлаб кўрсак фойдадан ҳоли бўлмас. Сиз нима дейсиз, азиз муштарий?

Азиза СОЛИҲ

УЙЛАНИШ

●Агар хотин олмоқни истасанг, хотиннинг сарасини иста, кўзингни жуда ўткир қил.

●Асли, уруғи, зоти яхши бўлсин, хотиннинг уятли, андишали, покзасини истагин.

●Эй чирой истовчи кишиларнинг яхшиси, хотиннинг чиройлисини қидирма, одамлар устингдан қуладилар.

●Эй олий зотли хотин истовчи, олий олдида ўзини қадрсиз қилмаслик керак.

ХУСУСИДА

Агар яхши андишали, аёл топишга муяссар бўлсанг, бой берма, дарҳол олгин, эй эзгу киши. Тилагинг бойлик бўлса, у мол-дунё йиғаверади, сени бойилади, юзингни ёруғ қилади.

Феъл-атвори тўғри бўлса, жуда муносибдир, хотиннинг чиройи -- хулқидир.

Юсуф Хос ХОЖИБНИНГ
"Қутадагۇ билиг"
("Яхшилик келтирувчи билимлар") асаридан

"... Кечагина мен мен эдим. Сен сен эдинг. Бугун икковимиз жисман ва қалбан қоришиб кетгандекмиз. Муҳаббат бизни гўёки ягона вужуд қилиб бирлаштирди..."

Висол онларидаги ишқ изҳорлари муқаддас дуо каби сирли қувватга эга. Сўзлагувчи маъшукнинг қонида эҳтирос гупуради, эшитгувчи маъшуканинг юраги титроққа келади. Бирлашув лаҳзалари эса... Бу сеҳрбахш лаҳзалар ҳаяжонини дунёдаги ҳеч бир нарса билан тенглаштириб бўлмас!

Чимилдиқдаги илк висол суҳбати фақат икки ёш ўртасидагина кечмайди. Орада учинчи бир шахс ҳам бор. Яъни, йигит-қизни зубоб (биринчи кеча)га тайёрлагувчи янгалардир. Шу кечадаги нозик дақиқалар-да янганинг вазифаси алоҳида. Ушбу вазифанинг ёш келин-куёв ҳаётида муҳим аҳамият касб этажани янгалар чуқур англашса, яхши-я. Бордию, бунинг акси бўлса-чи? Гап ана шу ҳақда...

С. исмли қиз мактуби: "...Юрагимни сизларга очкидан ўзга иложим йўқ. Бундан бир йилча аввал -- худди шундай баҳор кезларида тўйимиз бўлиб ўтганди. Бу кун эса турмуш ўртоғимнинг яқинлари ханузгача фарзандимиз бўлмаётганидан ташвишга тушиб қолишган. Қайнонам яқинда менга "Зўр дўхтир топдим, кўплаб фарзандсизларни даволаган экан, сизни шунга олиб бораман" дедилар. Шундай хижолат тортдимки, қанийди ер ёрилсаю, кириб кетсам! Ахир уларга қандай айтай. Мен ҳалигача қиз боламан! Бунинг сабаби.... Яхшиси, бир бошдан сўзлай. Тўйимизга бир-икки кун қолганида янгам мени четга чақириб, биринчи кеча ҳақида узоқ гапирди. Сўнг "Куёв кўпол ҳаракатлар қилса, ҳар қанча қийнаса-да, чиданг. Тагин бақириб-чақириб уйни бошингизга кўтарманг-а!" деб тайинладилар. Ўшандан сўнг фикру-хаёлим шу гапда бўлиб қолди. Гўёки чимилдиқда мен учун жуда даҳшатли воқеа

рўй берадигандек эди. Буни ўйлаганим сайин куёвни -- дилим тўрида уч йил ардоқлаб келган кишимни негадир ёмон кўриб борардим. Биринчи кечада ва кейинги кунларда ҳам уни ёнимга йўлатмадим. Дастлаб у менинг раъйимга қаради. Кейин эса тобора асабий бўла борди. Сўнг... Мени мажбурлаган кездеги ури-

раб. Куёв эса тунд, ҳовлининг бир четда уззукун сигарет тутатиб ўтирарди. Бундай вақтда кўпчилик воқеанинг асл сабабини янгалардан суриштиришарди. Шу кун янгалик қилган навжувон келинчак елкасини қисиб деди: "Мен ҳам тушунмадим. Қайинсинглимнинг қизлик белгиси бор эдию, лекин рангсиз эди-да. Шунни кўриб

МУТАХАССИС ШИФОКОРЛАР ФИКРИ: "Жинсий қовишув асаб тизими билан шу қадар боғлиқки, арзимаган бир сўз ёки биргина дағал ҳаракат ҳам унга зиён етказиши мумкин!"

РУХШУНОСЛАР ТАВСИЯСИ: "Келин-куёв кўнглиларидаги бор меҳру-муҳаббатларини энг нозик лаҳза -- бирлашув онларида бир-бирига ҳада эти олишлари керак. Бу эса ёшларни бир-бирини ардоқлашга, янада кучлироқ севамоққа ундайди".

Одатда, бизнинг ҳақиқатда йигит-қизларга жинсий тарбия берилмайди ҳисоб. Кўпчилик ёшлар никоҳнинг биринчи кечасида ўзларини қандай тўтишни билишмайди. Тушунмовчилик оқибатида эса салбий ҳолатлар пайдо бўлади. Ҳатто шу ҳолатлар сабаб бўлиб, яхши умидлар билан қурилган турмуш бузилиб кетиши ҳам мумкин.

ЗУБОБ КЕЧАСИ ЯНГАНИНГ БУРЧИ



нишлари зое кетди. Ўзини ожиз ва нотавон санай бошлади. Тушкунлик кайфияти иккимизни ҳам руҳан эзарди. Мана салкам бир йилча вақт ўтди. Шу вақт ичида бир-биримизга бегонадек бўлиб қолганмиз. Энди қандай йўл тутишга ҳайронмиз."

Бу хатни ўқиганимиз ҳамон (яъни анча йиллар муқаддам) келин-куёвга шифокор мутахассислар ёрдамида зарур тиббий кўрсатмалар берилди. Аҳвол яхши томонга ўзгарди. Лекин, асосий гап... янганинг биргина ноўрин сўзи, қизнинг буткул нотўғри тушунчаси, оқибатда икки юракда юз берган изтироблар фожаси ҳақида!

... Тўйдан сўнг бир ой ўтиб-ўтмай келин-куёвнинг ораси бузилди. Ҳамма ҳайрон: "Булар иккови институтда беш йил бирга ўқишиб, бир-бирини севишиб оила қуришгандику!" Кўшнилари ҳол сўраб чиқишди. "Билмадим, ўғлимиз "кетсин" деяпти", дерди шўрлик она жавди-

куёв: "Менга бошқача бўлади деб айтувдингларку" дея хархаша қилди..." Бу гап яқин қариндошлар қулоғига етди. Эртасига йигитнинг аммаси келиб "Қиз одина (жума) кунда туғилмаганмиди?" деб сўради. Қизнинг онаси узоқ эслаб, "Ҳа, жума кун саҳарда туғилган. Нимайди?" деди. "Жума кун туғилган қизларнинг бокиралик белгиси оқ рангда бўлади ёки умуман бўлмаслигим мумкин. Бу қадимдан қолган гап" дея тушунтирди кекса амма. Ваҳоланки бу нарсани қизнинг онаси ҳам, янгаси ҳам билмас эди.

Гоҳо ўйлайман. Бу иш шунчалик мушкулликлар келтириб чиқараркан, нима учун айрим қизларга шифокорлар томонидан жума кун таваллуд топгани ҳақида махсус кўрсатма берилмайди. Бу кунни оналар ҳам ёдда тутишлари ва бундан янгаларни огоҳ этишлари керак.

Қайсидир йилларда мутлақо нотаниш бир аёлдан мактуб олгандим ва

сўнг шу мактуб бутун даҳшати билан ёдимда ҳамон сақланиб қолган. Кўпчиликка сабоқ бўлишини назарда тутиб, ана шу мактубни эълон қилаяпман.

Н. исмли аёлнинг хатидан: "... Ўша кезлари институт қошидаги поликлиникада ҳамшира бўлиб ишлардим. Атрофимда талаба қизлар парвона, улар билан жуда иноқлашиб кетгандик. Бир кун ишни тугатиб, хонани беркитаётсам, талаба қизлардан биттаси келиб, "Сизга муҳим гапим бор", деди. Хонани очдим. Ичкарига кирдик. Қизнинг айтишича, у юқори курсдаги бир йигит билан анчадан бери "юраркан", ҳатто ўртала-рида гуноҳ иш содир бўлган. "Сенга уйланаман" деб юрган йигит институтни тамомлаб, қишлоғига кетган ва борган заҳотиёқ бошқа бир қиз билан турмуш қурган. "Ўйимизга кунга совчилар келаётди, менга ёрдам беринг" деди қиз. Мен ҳайрон бўлдим. Унга қандай ёрдам керак,

ўзи? Шунда у айтди. Нақ эсим оғиб қолай деди. "Ҳозир шунақа йўли бор экану... Агар сиз ёрдам бермасангиз ўзимни ўлдираман" деди. Икки-уч кун ўйланиб юриб, сўнг рози бўлдим. Қизни таниш дўхтиримга олиб бордим. Ўртага совға-салом, пул аралашди. Жарроҳлик йўли билан қизнинг ифбат пардаси тикланди. Орадан ярим йилча вақт ўтди. Мен у қизни унутиб ҳам юборгандим. Ўша кезлари аммам ёлғиз ўғлини уйлалдиган бўлдилар. Совчиликка чақирди, "ишим кўп", дедим. Қиз кўрарга айтди, боролмадим. Тўй кун аммам менга: "Сен ишонган келинимсан, ёшларга ўзинг янгалик қилгин", деди. Кўндим. Лекин шу кун... Бир четда дийдирабгина турган қизни кўриб, даҳшатдан қотиб қолдим! Бу ўша... мен врачга олиб борган қиз эди. Ўша вақтдаёқ "Ма-зам бўлмаётди", деб уйга жўнавордим. Сўнг чиндан ҳам касал бўлиб ётиб қолдим. Энди бўлса виждон азобида қийналганим-қийналган. Мен нима қилиб қўйдим ўзи? Бу ишим Аллоҳга хуш келмади чоғи... Шунинг учун ҳам энди кунларим қийноқда ўтаётир. Амманнинг кўзга суртган ёлғизгина, "пешонаси шўр" ўғлини кўрсам, ерга кириб кетгудек бўламан. Бироқ, энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди! Энди кеч..."

Ҳаёт -- мураккаб. Никоҳ эса муқаддас. Унинг ўзига хос қонуниятлари бор. Янги оиланинг кейинги ҳаёти шу қонуниятларнинг қай даражада адо этилиши билан боғлиқ. Бунда Янганинг бурчлари муҳимроқ экани шубҳасиз.

ГУЛЖАМИЛА

КҮРИҚДАН

ЎТИШНИ

ШАРШИМИ?

"Чимилдик"нинг 3-сонида гиждуювонлик Саодат исми қизнинг мактуби эълон қилинган эди. Муаллиф тўйдан олдин келин-куёвлар тиббий кўрикдан ўтишлари шартми, деб сўраган эди. Қуйида Тошкент шаҳар "Наврўз" тантанали никоҳ саройи директори, ҳуқуқшунос Зумрадхон опа Акбархўжаева Саодатхонга жавоб беради:

-- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилинган "Оила Кодекси"да қайд этилганидек, келин-куёвлар никоҳдан ўтишлари тўғрисида ариза ёзган кунидан эътиборан, бир ой муддат ичида жойлардаги ўзлари яшайдиган ҳудудга қарашли шифохоналарда тиббий кўрикдан ўтишади.

-- Шу шартми?

-- Зарар қилмайди. Бир-бирларини маънавий томондан синаш билан бирга, сиҳат-саломатликлари тўғрисидаги маълумотларга ҳам

эга бўладилар.

-- Агар борди-ю келин ёки куёвдан касаллик топилса, у ҳолда нима бўлади?

-- Бу масалани йигит ва қиз ёки уларнинг ота-оналари ҳал қилишади. Умуман олганда бўлажак келин-куёвларни бундай кўрикдан ўтказишдан кўзда тутилган мақсад фақат уларнинг хасталиklarини аниқлашгина эмас, балки соғлом оила ва баркамол фарзандларни вожага етказишлари учун қилинаётган саъй-ҳаракатлардан биридир.

РҮЗИБОЙ ёзиб олди

Ишқий баҳслар чоғида киши ўзини ғайриоддий кучлар ихтиёрида қолгандек сезади. Нозик дақиқаларда эса бу кучлар фаоллиги янада ошади. Инсон айнан шу кунларга тобе бўлади. Бу қандайин қудрат? Ҳис устуворлигимиз? Ё ҳирс барқарорлигимиз? Балки бизга олис масофалардан туриб таъсир этаётган юлдузлар ҳукмронлигидир! Шуниси ҳақиқатга яқинроқ. Чунки, олимларнинг таъкидлашларича, жинсий муомала чоғида кишининг қай ҳолатда бўлиши унинг қайси юлдуз буржи остида туғилгани билан бевосита боғлиқ экан...

СЕВГИ — ЮЛДУЗЛАР ҲУКМРОНЛИГИДА

"... Сиз мени севинг ва эркаланг. Мен учун доимо фидо бўлинг!" ҲАМАЛ (Кўй) буржидаги ЭРКАК ўзи ёқтирган аёлига худди шундай даъват этиши тайин. Гарчи, аёлга ҳамиша қаттиқ талаб қўйгани учун ҳам унинг жинсий ҳаёт борасидаги иши ўнгидан келавермайди. Ва бундан инжиқлиги баттар ошади. Ҳамал буржли эркаклар ўзига бўйсунадиган аёл билангина яхши яшаб кетиши мумкин.

Ҳамал буржли АЁЛ жинсий муносабат пайтида ўз иштиёқини биринчи ўринга қўяди. Мағрурлиги боис, маҳбубига бўйсунмайди, лекин уни ҳар жиҳатдан мафтун этишга қодир. Бундай аёлларнинг ҳаёти муҳаббатга алоқадор муаммолар билан қоришиқидир.

САВР (Бузоқ) буржли ЭРКАКлар маъшуқаларини бениҳоя қадрлашади. Қайноқ эҳтиросга эга бўлсаларда, унча-мунча аёлларнинг "тузоғига" илинаверишмайди. Жинсий муомала чоғида ўзидаги гўзал хислатларни намоен этиши билан ажралиб туради. Бундай эркаклар

никоҳда бахтлидирлар. Савр АЁЛлари эса ҳис-туйғуга ўта берилувчан. Уларда шахвоний ҳаётга мойиллик кучли: кимни ёқтириб қолса, унга дарров таслим бўлади-қўяди. Шунинг учун ҳам унинг никоҳдаги ҳаёти барқарор ва бетартиб кечади.

"Сиз фақат ва фақат меники бўлинг!" Бу -- ЖАВЗО (Эгизак Қиз) буржли ЭРКАКнинг бирдан-бир ўтинчи. У ана шу худбинлиги билан ҳам маъшуқасини ўзига ром этади. Бундай эркаклар истеъдодли, хушёр, қизиқ-увчан. Жинсий муомала чоғида ўзини тўла эҳтирослар ҳукмига топширади. Жавзо АЁЛлар ўзларига маъқул бўладиган эркакларни камдан-кам ҳолатда учратадилар. Маъшуқаларига ҳузур-ҳаловат бахш этолмаганидан гоҳо изтиробга тушишади. Лекин бундай аёлларни эркаклар ҳеч вақт ташлаб кетишмайди, ташлаб кетган чоғда ҳам уларга нисбатан тўла ҳурмат туйғусида бўладилар.

(Давоми "Чимилдик"нинг кейинги сонида)

Билсангиз эди мана шу захри ёвуз оғу сизнинг соғлигингиз кушандасию ўғриси эканлигини... Ахир сиз бу билан нафақат ўз соғлигингизга, балки туғилажак норасидангизга ҳам ҳар жиҳатдан зарар етказасиз-ку. Шифокорлар хулосасига кўра, тамаки таркибидоги захарли моддалар эркак кишига нисбатан аёллар организмга тезроқ

матларнинг барчаси қон айланиши ёмонлашганидан, тўқималарнинг, жумладан, терининг яхши озикланмаётганлигидан далолат беради.

Келинг, яхшиси сиз чекишни ташланг. Қийин демоқчимисиз? Агар сиз қуйидаги хорижликлар синовидан ўтган тавсияларга амал қил-

лида ўтирган пайтингизда.

5. Ҳар кун қанча сигарет чекаётганлигингизни сананг. Агар бир кунда 20 донга чекаётган бўлсангиз, унинг сонини 10 та, кейин 5 тага камайтинг ва бутунлай тугатинг.

6. Гипноз, массаж ва чекмовчилар

ОҲ, КАШАНДАЛАР...

таъсир, этаркан. Маълумотларга қараганда, чекадиган қизларнинг овози чекувчиларга хос равишда хирллаб, "дағал" бўлиб қолади. Юз ранги ҳам аксари ўзгариб, кулранг тусга киради, терисида майда ажинлар пайдо бўлиб, юзининг майинлиги анча камайд. Бундай ало-



сангиз, мақсадингизга эришасиз:

1. Муҳитингизни ўзгартинг. Уй ва ишхонадаги кулдонларни йўқ қилинг. Чекувчилар даврасидан қочинг.

2. Мабодо сигарета чекишни ҳумори турса, яхшиси сайр қилинг, сув ичинг, чуқур нафас олиб, ўн сонигача секин сананг.

3. Кундалик дафтар тугиб, чекишни хоҳлаган вақтингизни қайд этиб боринг. Чекишни истаган пайтингиз қайси оралиқда кучли, ўртача ёки паст бўлаётганини аниқланг. Бу сизнинг руҳингизга қарам эканлигингизни бартаф этишда ёрдам беради. Шунга қараб, иккинчи маслаҳатимизни бажаринг.

4. Қоидага риоя қилинг. Ҳар қандай шароитда ҳам чекманг, айниқса машина ру-

гуруҳининг қўллаб-қувватлашларидан фойдаланинг.

Сиз чекишни ташлаган дастлабки кунларингизда жуда қийналасиз, яхши ухлай олмайсиз, ишингиз унмайди, жиззаки бўлиб қоласиз, ичак иши бузилади. Лекин бу жараён ўткинчидир. Бу "чекувчи"да 3-5 кунгача ҳукмрон бўлади. Чунки айнан шу вақтларда организмнингизнинг барча аъзоларида ўрнашган никотин моддалари сизни аста-секин ўз ҳолингизга қўя бошлайди. Сўнгра барча кўнгилсиз ҳолатлардан мосуво бўлиб, ўзингизни жуда яхши ҳис қила бошлайсиз.

Келинг дўстлар, ўзингизни бир синаб кўринг. Чунки чекиш соғлигингиз кушанда-сидир.

Р. АЗИМ

ЧЕКУВЧИНИНГ ҲАЁТИ

Париждаги тиббий текшириш марказининг уч нафар доктори тиббиёт журналида шундай фикрларни баён этишди.

Ешлари 21 ва 73 орасида бўлган, жинсий ожизликдан жабр тортаётган 440 нафар эркак устида олиб борилган текширишлар натижасига кўра, беморлардан ҳар 10 тасидан 8 тасининг касаллик сабаби қон айланишидаги норасоликлардир. Уларнинг фикрича, қон ай-

ланишидаги бузилиш жинсий аъзоларга катта қон томирининг 25 фоизгача қисқаришига йўл очади ва натижада жинсий мулоқат пайтида эрекция ҳолати юзага келмайди. Докторларнинг таъкидлашича, мазкур 440 нафар бемордан 64 фоизининг касаллик келтириб чиқарувчиси сигарет бўлган.

"Sigara Roporu"дан ШЕРЗОД таржимаси

АНТИҚА ДУНЁ

"ТАРЖИМОН ПУЛЬТ"

Япониянинг "Сеико" фирмаси телевизорни узоқ масофадан бошқариш пульти мукамаллаштирди. Унинг аҳамиятли томони шундаки, пульт намойиш этилаётган фильм ёки кўрсатувни таржима ҳам қилиб беради. Телевизор экранининг паст қисмига ёзилдиган матннинг таржимаси шу заҳоти пульт мониторингасида пайдо бўлаверади. Бу янги қурилма хозирча француз ва испан тилларидан инглизчага таржима қилиш қобилиятига эга.

ТОВУШЛИ МАШИНА

АҚШнинг Калифорния штатидаги "Кларнон" фирмаси замонавий компьютерли машина ишлаб чиқди. "Mikrosoft" фирмасига оид автодастурлар ишлатилдиган бу машина оғзаки буйруқлар билан бошқарилади. Автомобиль компьютерига 200 хил буйруқ киритилган бўлиб, товуш билан ҳатто машинани у ёқдан бу ёққа буриш ҳам мумкин.

РАШКЧИ ҚОТИЛЛАР

Англиянинг Вест-Йоркштр шахрида махсус бўлинма собиқ аскарари 47 ёшли доктор Томми Шайнд ўз севгилиси Виски Флечерни отиб ўлдирди. Шаҳар касалхонасида анестезиолог мутахассис бўлиб ишлаётган Томми шу ерда ҳамшира бўлиб ишлайдиган маҳбубаси Виски билан барда тортишиб қолади ва ташқарига чиқишлари биланок Калашников (АК-47) автомати билан отиб ўлдирди.

Кўрфаз урушида ҳам қатнашган бу моҳир аскар қотилни ушлашга бутун Англия полицияси оёққа тургазилди.

АҚШнинг Тенесси штатида 51 ёшли полиция собиқ зобити Эверет Кобб бир ҳафта аввал ажрашган хотини Жойс, аёлнинг янги турмуш ўртоғи Майк ва унинг меҳмонга келган ўртоғини отиб ўлдирди. Қаттиқ рашк васвасаси оқибатида уч кишини ўлдирган Эверет сўнггида ўз миёсига бир ўқ жойлаб, ҳаётни тарк этди.



"ЧИМИЛДИК" муштарийларининг илтимосларига кўра никоҳ тўйлари ҳақидаги табриқлари бепул чоп этилади.

Азиз фарзандларимиз Комилжон ва Гулбахор! Биз Сизларни янги ҳаёт остонасига қадам қўйишларингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сизлар қураётган оила пойдевори мустаҳкам бўлишини чин дилдан тилаймиз.

ҲОШИМОВ ВА ШОМУ-ҲАММЕДОВЛАР Оиласи, Тошкент шаҳри ***

Ҳурматли дўстлар-имиз Умиджон ҳамда Лолахон! Тўйларингиз муборак бўлсин! Сизларга бахт-саодат ва келгуси ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Ҳамиша дўстлар даврасида очилиб юринглар.

Дўстларингиз Зангиота тумани

ИЛОВА ИЖОДКОРЛАРИ:
ЛАЙЛО, НАЗОКАТ, РҮЗИБОЙ,
ШЕРЗОД, ҲУСАН

САҲИФАЛОВЧИ:
МАЛОҲАТ ТОШОВА

"ЧИМИЛДИК"
"ОИЛА" ГАЗЕТАСИНING
ТАЪРИҚ ИЛОВАСИ



ДУШАНБА, 1

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлинома».

8.40 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
9.35 «Узлик». Бадий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Болалар — гуллолалар».
18.45 «Олам ва одам».

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультимоша». 19.05, 22.10 Эълонлар.

СЕШАНБА, 2

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Ўзбектедфильм» намойиш этади: «Ассалому аллайкум, азизларим!».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажвия, ҳангома.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Миср мўъжизалари».
20.10 «Оқшом эртаклари».

II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

ЧОРШАНБА, 3

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.25 «Дилрабо садолар». Мусиқий дастур.
8.50 «Ҳамкорлик риштадари».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

11.20 «Ўзбектедфильм» намойиш этади: «Фасли ёз».

ЖУМА, 5

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.25 Ёш хонадалар концерти.
8.50 «Юзма-юз».

ПАЙШАНБА, 4

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультимоша». 19.05, 22.25 Эълонлар.

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

кўрсатув.
12.25 «Ажойиб гилам». Мультифильм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Кўнгиракча».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультимоша».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультимоша».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.25 Ёш хонадалар концерти.
8.50 «Юзма-юз».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультимоша».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультимоша».

ШАНБА, 6

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Фламинго». Кинокўрсатув.

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

22.30 «Келин-куёв». Телешоу.

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Боланинг тили».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультимоша».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультимоша».

дунё». 21.25 Хит-коллекция. 21.50 Киносалон.

ЯКШАНБА, 7

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Сангит гунчалари».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

23.40 Кино янгиликлари.
23.55 Жаҳон киноси юлдузлари.

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Бор экан-да, йўқ экан...».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

12.50 Кўрсатувлар дастури.
12.55 Хорижий эстрада. «АВВА».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

18.45 «Мультимоша». 19.00, 21.50 Эълонлар.

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

18.45 «Мультимоша». 19.00, 21.50 Эълонлар.

